ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ-
ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ–ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ
КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАЯНЧ ТАРМОҚЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАХАЛЛИЙЛАШТИРИШ АСОСИДА ИМПОРТНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

*Республика илмий-амалий конференцияси*
ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ВА МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ

*2016 йил 6 май*

ТОШКЕНТ – 2016

Бугунги кунда Ўзбекистонда фармацевтика саноати халқ хўжалигининг ҳаётий зарур тармоғи сифатида шаклланди ва ривожланиш босқичига ўтди.

2009 йил 1 августига нисбатан Ўзбекистон Республикасида жами 108 та корхона Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фармацевтика фаолияти учун лицензиясига эга, улардан 20 таси қўшма корхона ва чет эл корхоналаридир.

Бугунги кунда республикада таблеткалар, капсулалар, инъекцион ва инфузион эритмалар, суртмалар, гален препаратлар ва бошқа дори шакллари ишлаб чиқарилмоқда ва бу бўйича умумий маълумот 1-расмда келтирилган. Улардан «Новофарма Плюс» МЧЖ қўшма корхонаси ва «Фармед саноат» хусусий корхонаси халқаро стандарт GMP - «Яхши ишлаб чиқариш амалиёти» қоидалари талабларига жавоб беради.

Ўзбекистонда бугунги кунда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг жами сони 7728 та, шундан 1740 та маҳаллий, 5988 та хорижий. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан 231 турдаги инъекцион препаратлар, 45 та инфузион эритмалар, 76 та флаконли антибиотиклар, 3 та вакцина ва зардоблар, 528 номда таблетка ва капсулалар, 307 та суртма, тиндирма, эритма ва бошқалар. Ҳозирда республикамизда фармацевтика маҳсулотларининг асосий турлари жами 5781 номда етказиб берилмоқда.




**1-расм.Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган фармацевтика маҳсулотларининг асосий турлари**

«Радикс» ИИЧК, «Журабек Лабораторис» МЧЖ, «Сарбонтекс» қўшма корхоналари томонидан фармацевтика ва тиббий маҳсулотлар дунёнинг бошқа давлатларига экспорт қилиш учун рўйхатдан ўтказиш бўйича сай-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Аҳолига сифатли дори воситаларини етказиб бериш энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Ушбу масъулиятли вазифани бажаришда "Ўзфармсаноат" ДАК таркибидаги дори воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 78 та, диагностика воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 4 та, тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 42 та, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар 124 тани ташкил этди.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, бугун фармацевтика саноати борган сари халқ хўжалигининг муҳим бир йўналишига айланиб бормоқда. Фармацевтика саноатини маҳаллий хом ашё билан таъминлаш мақсадида ихтисослашган хўжаликларда 50 дан ортиқ доривор ўсимликлар етиштирилмоқда. Уларга 12 та корхонада ишлов берилиб, безарар ва сифатли хомашё ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистон Республикасида 2013-2015 йилларда ишга туширилган ва 2016 фойдаланишга топшириладиган фармацевтика корхоналари ҳақида маълумот 2-расмда келтирилган.



Фармацевтика саноати учун зарур бўлган шиша идишлар ва ампулалар ишлаб чиқарадиган заводлар тўлиқ ишлаб турибди.




**2-расм. Ўзбекистон Республикасида 2013-2015 йилларда ишга туширилган ва 2016 фойдаланишга топшириладиган фармацевтика корхоналари ҳамда уларга киритилаётган инвестициялар ҳақида маълумот**

"Ўзфармсаноат" ДАК таркибида 2015 йилда умумий инвестиция қиймати 114,2 млн. АҚШ доллари миқдорига эквивалент миқдорида 19 та лойиҳалар амалга оширилган бўлса, 2016 йил прогноз кўрсаткичларида 120,09 млн. АҚШ доллари ҳажмига тенг 19 та лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Фармацевтика маҳсулотларининг экспорт динамикаси 2015 йилда амалда 11,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди, 2016 йилдаги прогноз кўрсаткичлари 14,5 млн. АҚШ доллари ҳажмида режалаштирилган. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотлари Эстония, Латвия, Литва, Польша, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Хиндистон ва шу каби бир қатор мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

"Ўзфармсаноат" ДАК таркибидаги корхоналар бўйича 2007-2015 йилларда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми жами 407,83 млн. АҚШ доллари қийматида, шундан тўғридан-тўғри инвестициялар, маҳаллий банк кредитлари ва корхоналарнинг ўз маблағларидан ташкил топган. Фармацевтика корхонаaларида ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатлари 2015 йилда амалдаги нархларда 753,6 млрд.сўмни ташкил қилди, 2016 йил прогноз кўрсаткичларида 975,2 млрд. сўмда белгиланган.

Қилинган ишлар таҳлилидан кўриш мумкинки, Ўзбекистонда фармацевтика саноати жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда ва бизнингча асосий эътибор сифатида ушбу тармоқда сифат кўрсаткичларига эътибор қаратиш лозимдир. Мазкур тармоқнинг ривожланиши нафақат мамлакатимиз аҳоли колаверса қўшни мамлакатлар аҳолисининг дори воситаларига бўлган эхтиёжни қондиради.

*Катта илмий ходим-изланувчи Н.Н.Рустамов,*
*ТДИУ*

**Ялпи ички маҳсулотнинг тармоқ таркибини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари**

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ялпи ички маҳсулотнинг тармоқ таркибини такомиллаштиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар жараёнида изчил юқори ўсиш суръатларини таъминлаш билан бир қаторда, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида

